

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Э.Ф. Исмаилов

Иқтисодиёт магистри

Аннотация

Кичик бизнес субъектларининг экспорт салоҳиятини ошириш улар фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш ва уларнинг халқаро товар бозорларидаги рақобатбардошлигини оширишнинг зарурӣ шарти ҳисобланади.

Мақолада мамлакат иқтисодиётининг саноат тармоғида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларининг экспорт салоҳиятини ошириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: кичик бизнес, экспорт, кредит, валюта курси, девальвация, транспорт логистикаси, бож тўлови.

Аннотация

Повышение экспортного потенциала субъектов малого бизнеса является обязательным условием обеспечения стабильности их деятельности и повышения их конкурентоспособности на международных товарных рынках.

В статье выявлены актуальные проблемы, связанных с повышением экспортного потенциала субъектов малого бизнеса, функционирующих в промышленном отрасли экономики и разработаны научные предложения, направленных на решение этих проблем.

Ключевые слова: малый бизнес, экспорт, кредит, валютный курс, девальвация, транспортная логистика, таможенная пошлина.

Annotation

Increasing the export potential of small businesses is a prerequisite for ensuring the stability of their activities and increasing their competitiveness in international commodity markets.

The article identifies current problems associated with increasing the export potential of small businesses operating in the industrial sector of the economy and develops scientific proposals aimed at solving these problems.

Key words: small business, export, credit, exchange rate, devaluation, transport logistics, customs duty.

КИРИШ

Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида хусусий секторнинг экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш, экспортчи корхоналарга кўрсатилаётган ташкилий ва молиявий ёрдам бериш тизимини такомиллаштириш, экспорт таркибида тайёр ва яrim тайёр маҳсулотлар ҳажмини 3,3 баравар кўпайтириб, Европа давлатларига GSP+ тизими доирасида тайёр маҳсулотлар экспортини кенгайтириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хорижий давлатларга чиқаришда кўмаклашиш тизимини такомиллаштириш республиканинг экспорт салоҳиятини оширишнинг устувор йўналишлари қилиб белгиланган [1]. Бу эса, ўз навбатида, кичик бизнес субъектларининг экспорт салоҳиятини ошириш заруриятини юзага келтиради.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.

Классик иқтисодчи олим Й.Шумпетернинг фикрига кўра, инновация тадбиркорлик рухи билан йўғрилган ишлаб чиқариш омилларининг янги илмий-ташкилий уйғунлигидир ва давлат томонидан инновацион жараёнлар қўллаб-куватланиши лозим [2].

Й.Шумпетернинг мазкур хulosаси кичик бизнес субъектлари учун ҳам муҳим амалий аҳамият касб этади. Чунки, кичик бизнес субъектлари йирик бизнес субъектларидан фарқли ўлароқ, инновацион ишланмалар учун катта миқдорда маблағ сарфлай олмайди.

Француз иқтисодчи олимлари Ж.Шанел-Рейно ва Э.Блуанинг хulosасига кўра, кичик ва ўрта корхоналарнинг йирик корхоналар билан алоқаларининг яхши йўлга қўйилиши уларнинг экспорт фаолиятини тижорат банкларининг кредитлари ҳисобиданмoliaлаштириш имкониятини оширади. Бунинг сабаби шундаки, йирик корхоналар кичик ва ўрта корхоналар билан ишбилармонлик муносабатларига киришишдан олдин уларнинг бозор талабларига жавоб бера олишини таҳлил қиласи ҳамда кичик ва ўрта корхоналарнинг ҳолати йирик корхона томонидан доимий равишда назорат қиласи [3].

Саноат корхоналари фаолиятини экспортга йўналтирилганлиги уларнинг рентабеллигига ва инновацион фаоллик даражасига ижобий таъсир кўрсатади [4].

У.Мазиловнинг фикрига кўра, кичик ва ўрта тадбиркорлик экспорт салоҳиятини оширишнинг захираларидан бири ҳисобланади, чунки, кичик ва ўрта бизнес субъектлари бозорлардаги, шу жумладан халқаро бозорлардаги шарт-шароитларни ўзгаришига тезкор жавоб қайтариш қобилиятига эга бўлади [5].

Ф.Ахмедовнинг фикрича, инфляция даражасининг 1 фоизга ошиши ташқи савдони молиялаштириш ҳажмининг 8,6 фоизга камайишига олиб келади;

Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг йиллик даражасини 1 фоизга ошиши эса ташқи савдони молиялаштириш даражасини 0,78 фоизга оширади [6].

Л.Зойировнинг диссертацион тадқиқоти натижалари кўрсатадики, “Ўзбекистон Республикасида лизинг обьектини қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилмагунга қадар тижорат банкларининг лизинг кредитларига фоиз ҳисоблашнинг мумкин эмаслиги, Республика валюта биржасига конвертация учун ташлаб берилган кредитларга конвертация амалга оширилгунга қадар фоиз ҳисобланмаслиги ссуда ҳисобрақамларидан фойдаланиш жараёнида ҳисобга олинадиган муҳим омиллардан бири ҳисобланади ва кичик бизнес субъектларини лизинг асосида молиялаштиришни ривожлантиришга тўсқинлик қиласди” [7].

И. Алимардоновнинг таклифига кўра, тижорат банклари тўловга қобиллик даражаси юқори бўлган кичик бизнес субъектлари ва давлатнинг харид тизимиға кирган кичик корхоналар, микрофирмаларнинг ҳужжатлаштирилган аккредитивлар бўйича импорт тўловларини муддатли ва овердрафт кредитлари ҳисобидан тўлашни йўлга қўйишлари лозим [8].

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Кичик бизнес субъектларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузурида Статистика агентлигининг расмий статистик маълумотларига кўра, 2023 йилнинг якунига кўра, кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 51,2 фоизни, аҳоли бандлигини таъминлашдаги улуши 74,1 фоизни, импортдаги улуши 45,7 фоизни, экспортдаги улуши 31,5 фоизни ташкил этди [9].

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес субъектларининг жами экспорт ва импортдаги улуши, %¹

№	Кўрсаткичлар	2021 й.	2022 й.	2023 й.
1	Экспортдаги улуш	20,5	29,6	29,0
2	Импортдаги улуш	51,7	45,3	49,4

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, кичик бизнес субъектларининг мамлакат экспортидаги улуши 2022 йилда 2021 йилга нисбатан ошган, бироқ, 2023 йилда 2022 йилга нисбатан пасайган. Бу эса, уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.


¹¹ Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузурида Статистика агентлигининг расмий статистик маълумотлари асосида тузилган.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, кичик бизнес субъектларининг мамлакат импортидаги улуши 2022 йилда 2021 йилга нисбатан пасайган, лекин 2023 йилда 2022 йилга нисбатан ошган.

Эътироф этиш жоизки, Россия давлатига нисбатан ғарб давлатлари томонидан иқтисодий санкцияларнинг қўлланилиши Ўзбекистон Республикаси корхоналарининг шу жумладан, кичик бизнес субъектларининг экспорти билан боғлиқ бўлган транспорт логистикасида жиддий муаммоларнинг юзага келишига олиб келди. Жумладан, 2022 йилнинг 1 августидан бошлаб, Европадаги барча портлар Россия кемалари учун ёпилди. Бундан ташқари, ғарб давлатлари Ўзбекистонга етказиб берадиган товарларини Россия портлари орқали етказиб беришдан бош тортишмоқда. Бу эса, товарларни етказиб бериш билан боғлиқ бўлган харажатларни сезиларли даражада ошиб кетишига олиб келди.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек сўмининг Ўзбекистоннинг асосий ташқи савдо ҳамкорлари бўлган мамлакатларнинг миллий валюталарига нисбатан реал алмашув курсининг ошиш ҳолатларининг мавжудлиги Ўзбекистондан ушбу мамлакатларга экспорт қилинаётган товарларнинг қимматлашишига олиб келмоқда. Бу эса, кичик бизнес субъектларининг экспорт салоҳиятига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирмоқда.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда импортнинг қимматлашаётганлиги кичик бизнес субъектларининг экспорт салоҳиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Импортнинг қимматлашиши эса, миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан қадрсизлананаётганлиги билан изоҳланади (1-расм).



1-расм. Миллий валюта – сўмининг 1 АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курси, сўм² (ҳар бир молиявий йилнинг 31 декабрь ҳолатига)

² Расм муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари асосида тузилган.

1-расм маълумотларидан кўринадики, 2010-2023 йилларда миллий валюта – сўмнинг АҚШ долларига нисбатан қадрсизланиш суръати жуда юқори бўлган. Бу эса, тижорат банкларининг даромад базасини таъминлашга

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Илмий мақолани ёзиш жараёнида қуйидаги хулосаларни шакллантиридик:

1. Мавзуга оид бўлган адабиётлар шархи кўрсатадки, кичик бизнес субъектларининг экспорт салоҳиятини оширишда қуйидагилар муҳим ўрин тутади:

*кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланиши;

* кичик ва ўрта корхоналарнинг йирик корхоналар билан алоқаларининг яхши йўлга қўйилиши;

*кичик ва ўрта тадбиркорлик экспорт салоҳиятини оширишнинг захираларидан бири ҳисобланади;

*экспортни молиялаштириш ҳажмининг ўзгариши билан инфляция даражасининг ўзгариши ўртасида, экспортни молиялаштириш ҳажмининг ўзгариши билан қайта молиялаш ставкасининг ўзгариши ўртасида кучли боғлиқлик мавжуд;

*лизинг обьектини қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилмагунга қадар тижорат банкларининг лизинг кредитларига фоиз ҳисоблашнинг мумкин эмаслиги кичик бизнес субъектлари импортини лизинг асосида молиялаштиришни ривожлантиришга тўсқинлик қиласи;

*тижорат банклари томонидан тўловга қобиллик даражаси юқори бўлган кичик бизнес субъектлари ва давлатнинг харид тизимига кирган кичик корхоналар, микрофирмаларнинг ҳужжатлаштирилган аккредитивлар бўйича импорт тўловларини муддатли ва овердрафт кредитлари ҳисобидан тўлашни йўлга қўйилиши уларнинг ташки савдо фаолиятини ривожлантиришга хизмат қиласи.

2. Кичик бизнес субъектларининг Ўзбекистон экспортидаги улушкини 2022 йилда 2021 йилга нисбатан ошганлиги, бирок, 2023 йилда 2022 йилга нисбатан пасайланлиги уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

3. Миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан қадрсизланиш суръатининг юқори эканлиги, Россия давлатига нисбатан гарб давлатлари томонидан иқтисодий санкцияларнинг қўлланилиши натижасида транспорт логистикасида жиддий муаммоларнинг юзага келганлиги, ўзбек сўмининг Ўзбекистоннинг асосий ташки савдо ҳамкорлари бўлган мамлакатларнинг миллий валюталарига нисбатан реал алмашув курсининг ошиш ҳолатларининг

мавжудлиги кичик бизнес субъектларининг экспорт салоҳиятига салбий таъсир қўрсатмоқда.


Фикримизча, кичик бизнес субъектларининг экспорт салоҳиятини ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

2. Миллий валютанинг Ўзбекистоннинг асосий ташқи савдо ҳамкорлари бўлган мамлакатларнинг (Россия, Хитой, Қозоғистон, Туркия) миллий валюталарига нисбатан реал алмашув курсининг ошиб кетишига йўл қўймаслик орқали ушбу мамлакатларга кичик бизнес субъектлари томонидан экспорт қилинаётган товарларнинг рақобатбардошлигини ошириш лозим.

2022-2023 йиллар давомида миллий валютамизнинг асосий ташқи савдо ҳамкорларимиз бўлган мамлакатларнинг миллий валюталарига нисбатан реал алмашув курсининг ошиши кузатилди. Масалан, 2023 йилда сўмнинг Россия рубли ва Корея вонига нисбатан реал алмашув курсининг ошиши юз берди. Бу эса, мазкур даврда республикамида инфляция даражасини нисбатан юқори бўлганлиги билан изоҳланади.

1. Кичик бизнес субъектларининг экспорт фаолиятини рағбатлантириш учун кичик бизнес субъектлари маҳсулотларининг асосий қисми экспорт қилинадиган мамлакатлар билан бож солиғи ставкаларини мувофиқлаштириш лозим.

Илфор хориж тажрибаси қўрсатадики, кичик бизнес субъектларининг экспорт тушуми миқдори ва барқарорлигига маҳсулот экспорт қилинаётган мамлакатнинг бож солиғи ставкалари даражаси бевосита ва кучли таъсир қўрсатади. Масалан, бир вақтлар Бангладешдан экспорт қилинаётган товарлар учун АҚШда бож солиғи ставкалари жуда юқори бўлиб, даражасига кўра тўртинчи ўринни эгаллар эди. 2006 йилда Бангладешнинг АҚШга экспорти ҳажми 3,3 млрд. долларни ташкил қилгани ҳолда, тўланган бож солиғи суммаси 500 минг АҚШ долларини ташкил этди. Ҳолбуки, Буюк Британия ҳам шунча бож солиғи тўлади, аммо унинг АҚШга экспорти ҳажми 54 млрд. долларни ташкил этган эди [10].



2-расм. Ўзбекистон, Россия ва Жанубий Кореяда инфляцияниң йиллик даражаси (2023 йил учун)

2-расм маълумотларидан кўринадики, республикамизда инфляцияниң йиллик даражаси ўтган йилда Россия ва Жанубий Корея давлатларига қараганда анча юқори бўлган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси тўғрисида//www.lex.uz
2. Шумпетер Й. Основы предпринимательства. Пер. с нем. – М.:Дело, 1974. – С. 132.
3. Chanel-Reynaud G., Bloy E. La Banque et le risqué PME. – Presses Universitaires de Lyon, 2001. – Р. 39-40.
4. Влияние конкуренции и структуры рынков на развитие и поведение промышленных предприятий: эмпирический анализ [Электронный ресурс]: доклад. – Режим доступа : http://www.opec.ru/analize_doc.asp?d_no=61551
5. Мазилов Е.А. Экспортный потенциал малых и средних предприятий//Проблемы развития территории, 201. - №5. – С. 26-35.
6. Ахмедов Ф.Х. Ўзбекистонда тижорат банкларининг ташқи савдога хизмат кўрсатишини такомиллаштириш. И.ф.ф.д. дисс. автореф. – Б. 19.
7. Зойиров Л.С. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини лизинг асосида молиялаштиришни такомиллаштириш. И.ф.н. илм. дар. ол уч. тақд. эт. дисс. автореферати. – Тошкент, 2011. – Б. 14.
8. Алимардонов И.М. Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услугий ва амалий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2018 – Б.28.
9. Кичик бизнес ва тадбиркорлик//www.stat.uz.
10. Юнус М., Ж.Алан. Создавая мир без бедности: социальный бизнес и будущее капитализма. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2009. - С. 141.